

ТИЛШУНОСЛИКДА “ТЕРМИН, ТЕРМИНОЛОГИЯ ВА ТЕРМИНОЛОГИК МАЙДОН” ТУШУНЧАЛАРИГА ТУРЛИЧА ЁНДАШУВЛАР

Кошанова Сахибжамал Бахытбаевна,
Коракалпок Давлат Университети докторанти

Аннотация. Глобаллашув жараёни тилишуносликка, айниқса, терминологияни ўрганишига катта таъсир кўрсатди. “Термин”, “терминология” ва “терминологик майдон” тушунчалари замонавий тилишунослик тадқиқотларида муҳим аҳамият касб этади, чунки фан ва техника соҳаларида аниқлик ва тизимлиликка эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ушбу мақолада ушбу тушунчаларга нисбатан турли тилишунос олимларнинг ёндашувлари таҳлил қилинади. Тадқиқотда терминларнинг лугавий, семантик ва структур хусусиятлари ҳамда уларнинг илмий муаммолар доирасида тутган ўрни ёритилган. Шунингдек, “терминология” атамасининг тарихи, унинг латин тилидаги келиб чиқиши ва турли фан соҳаларидаги ривожланиш жараёни кўриб чиқилади. Хулоса қилиб айтганда, терминология — бу тилишуносликнинг динамик ва кўп соҳали йўналиши бўлиб, фалсафа, маънавий ва бошқа илмлар билан узвий боғлиқдир.

Калит сўзлар: термин, терминология, терминологик майдон, тилишунослик ёндашувлари, илмий коммуникация, лугавий семантика, термишунослик

Бугунги дунё миқёсидаги глобаллашув жараёни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва технологик (инновацион) интеграцияни кучайиб бориши тилишуносликка ўзининг катта таъсирини ўтказмоқда. Бундай муҳим, тарихий ўзгаришлар билан белгиланган давр тилишунослигида “термин”, “терминология” ва “терминологик майдон” тушунчалари муҳим аҳамиятга эга, албатта. Чунки, янги босқичга кўтарилаётган илмий-техникавий тараққиёт, халқаро ҳамкорлик ва рақамли коммуникация соҳаларида аниқлик ва тизимлиликни таъминлаш учун муайян терминлардан фойдаланишга катта эҳтиёж мавжуд. Юқоридаги фикрлардан англаш мумкинки, ривожланаётган ҳозирги даврда термин ва терминология нафақат тилишуносларни, балки бошқа соҳа вакиллари ҳам қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Замонавий тилишуносликда “термин”, “терминология” ва “терминологик майдон” тушунчаларига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, тилишуносликнинг терминология йўналишида бугунги кунгача амалга оширилган кўплаб ишларида тадқиқотчи-олимлар ўзларининг муайян ё

1. Терминология – муайян соҳаларда махсус маънони ифодаловчи сўз ва сўз бирикмаларининг мажмуи; 2. Терминология – терминларнинг грамматик сатҳдаги ўрни ва тилда амал қилиши билан боғлиқ бўлган муайян қонуниятларни ўрганиш билан шуғулланувчи лингвистиканинг алоҳида аспекти³⁵.

Тадқиқотга оид манбаларни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатадики, терминларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, бир қатор тилшунос олимлар “термин” тушунчасига турлича таъриф ва изоҳлар беришганини кузатишимиз мумкин. Тилшунос олим Д.С. Лоттенинг таъкидлашича: “Термин – бу муайян соҳада ишлатиладиган ва аниқ тушунчани ифодаладиган маълум даражадаги расмий сўздир”³⁶. Яна бир тилшунос олим В.М. Лейчик эса, ундан биров фарқли тарзда қуйидаги таърифни илгари суради: “Термин – илм-фан ва техника соҳасида муайян тушунчани ифодаловчи лексик бирлик бўлиб, у умумий луғатдаги сўзлардан таркибий, лексик-семантик, структур-функционал ва маъновий жиҳатдан фарқ қилади”³⁷. Олим ўз сўзини давом эттирар экан, кўшимча сифатида, тилшуносликнинг терминология аспекти нафақат тилшуносликка тегишли бўлган, балки, илмий – фалсафий фанлар деб ҳисобланган мантик, фалсафа, этика, психология, социология, математика ва шунингдек, бошқа илмий-техникавий соҳалар билан боғлиқ бўлган мураккаб илмий фан эканлигига алоҳида урғу беради. Мазкур фаннинг ўзига хос ва асосий масалалардан бири, уни ташкил қилувчи кўплаб терминологик бирликлари реал ҳаётини эҳтиёж юзасидан кўплаб фан тармоқларида қўлланилиши билан изоҳланади.

Юқоридаги олимдан ташқари, Т.С. Киякнинг фикрига кўра: “Термин – фан ва техника соҳаларида тушунчаларни аниқлаш учун ишлатиладиган, қўлланилиш имкониятлари муайян соҳа билан чегараланган махсус лексик бирликдир”³⁸. Тилшунослик, хусусан терминшунослик фанининг тарихига назар ташласак, “термин” сўзининг пайдо бўлиши ҳақида турли шаклдаги маълумотларга дуч келамиз. Р. Даняров тадқиқотларида “термин” тушунчасига берилган таъриф қуйидагича: “Тилшуносликда ва бошқа фан соҳаларида фаол қўлланадиган “**термин**” латинча “**terminus**” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “*охир*”, “*чек*”, “*чегара*”, “

санъатда, бизнес ва иктисодиётда ишлатиладиган махсус сўзлардир. Демак, юқорида келтирилган тадқиқотларда “**термин**” латинча “**terminus**” сўзига берилган изоҳлар ва таърифларнинг ифодалари ўзаро мувофиқ келади. Рус тилшунос олими В.Н.Шевчук терминнинг ўзига хос лисоний хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, унга қуйидагича таъриф беради: “**Термин**” - бу оддий сўз ҳисобланиб, ўрта асрларда “**аниқлаш**”, “**ифодалаш**” деган маъноларни англатган. Қадимги француз тилида мавжуд бўлган “**terme**” лексемаси “**сўз**” деган маънони англатади. “**Термин**” тушунчаси XVII-XVIII асрларда Европа фанларида махсус атама сифатида шаклланиб, илмий ва техник соҳаларда аниқ таърифланган сўз ёки сўз бирикма маъносига эга бўлган⁴¹. Тадқиқотга оид манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, ўрта асрларда илм-фан асосан латин тилида ривожланган ва бу даврда фанлараро терминологияга катта эътибор қаратилган. Бу даврга келиб кўплаб олийгоҳ (университет)ларни пайдо бўлиши ва Европа фанларининг қайта тикланиши (ренессанс) жараёнида кўплаб фан терминлари шаклланган дейиш мумкин.

Замонавий тилшуносликда терминологияни ўрганиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда, айниқса, глобаллашув ва илмий тараққиёт шароитида. Турли олимларнинг ёндашувлари таҳлил қилиниши натижасида “термин” ва “терминология” тушунчаларига оид кўплаб таърифлар мавжудлиги аниқланди. Барча ёндашувларнинг умумий хулосасига кўра, термин — муайян соҳада ишлатиладиган ва аниқ тушунчани ифодаловчи лексик бирлик бўлиб, у умумий луғат сўзларидан семантик, структур ва функционал жиҳатдан фарқ қилади. Шунингдек, “терминология” атамаси ўзининг латинча “**terminus**” сўзига бориб тақалиши ва у илмий ва техник соҳаларда аниқ тушунчаларни ифодалашда кенг қўлланилишини кўрсатади. Терминология фанлараро тадқиқот соҳаси бўлиб, унинг ривожланиши илмий-амалий стандартлаштириш ва профессионал коммуникациянинг равиолигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Кейинги тадқиқотлар рақамли технологиялар ва кўп тилли муҳитда терминологиянинг шаклланиши ва ривожланишига бағишланиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

</

11. Коршунова С.И. Формирование терминологических систем. – Екатеринбург: УрО РАН, 1994.
12. Канделаки Т.Л. Термин в языке и речи. – М.: Наука, 1978.
13. Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура. – М.: ЛКИ, 2007.
14. Кияк Т.С. Современные проблемы терминоведения. – К.: Вища школа, 1989.
15. Даняров Р. Лингвистические аспекты терминологии. – Ташкент: Фан, 2001.
16. Шевчук В.Н. Основы терминоведения. – Минск: Вышэйшая школа, 1991.
17. The World Encyclopedia Dictionary. – USA, 2024.
18. The Encyclopedia Americana. – USA, 2024.
19. ABBYY Lingvo 6. – М.: ABBYY Software, 2024.

ОТГОЛОСКИ ЮНОСТИ: ОБРАЗЫ, ТЕМЫ И ФИЛОСОФИЯ ПЕСНИ YUANZHOU'S YOUTH OT NEO HOU

*Маликишеева Лаззат Бауыржан кызы,
Студентка Каракалпакского государственного университета*

Аннотация: *Статья посвящена анализу песни «Yuanzhou's Youth» от Neo Hou, являющейся саундтреком к драме Fangs of Fortune. В работе рассматриваются ключевые темы, такие как ностальгия, утрата юности и преодоление жизненных испытаний. Особое внимание уделено культурным и философским символам, присутствующим в тексте, а также их связи с китайскими литературными традициями. Песня исследуется как отражение внутреннего мира главного героя Чжао Юаньчжоу и его борьбы с судьбой. Музыкальные и лирические аспекты песни подчеркивают её эмоциональную глубину и значимость для слушателей.*

Ключевые слова: *китайская музыка, философия, символизм, юность, ностальгия, культурное наследие, китайская литература, традиционные образы, Neo Hou, Fangs of Fortune, OST, лирический анализ, интерпретация текста, жизненные испытания, драматический контекст, поэзия, вокал, китайская драма, музыка и культура, художественные образы.*

Введение

Песня Yuanzhou's Youth в исполнении китайского актера и певца Neo Hou является важной частью саундтрека к драме Fangs of Fortune. Драма Fangs of Fortune представляет собой историческую фантазию, наполненную интригами, борьбой за власть и исследованиями человеческой природы. Сюжет разворачивается вокруг главного героя Чжао Юаньчжоу, человека с трагическим прошлым, чья жизнь переплетается с судьбами других героев. Его история – это путь от отчаяния к надежде, где он сталкивается с внутренними конфликтами, испытаниями судьбы и жертвой ради окружающих. Юаньчжоу предстает перед зрителем как сложная, многослойная личность, которая балансирует между долгом, эмоциями и стремлением обрести гармонию. Лирика песни пронизана философскими и поэтическими мотивами, отражающими темы ностальгии, юношеского поиска себя и жизненных испытаний. Сочетая традиционные китайские символы с современными эмоциональными акцентами, композиция создает глубокий образ